



“ТАСДИКЛАЙМАН”
Оқдарё тумани 63-сон ИЧБУИДТМ
У.Маматмуродов
_____ 2022 йил

Оқдарё тумани 63-сон ИЧБУИДТМ га кўргазмалар тайёрлаб
беришда ташкилотни танлаш буйича

Танлов хужжатлари

БУЮРТМАЧИ: Оқдарё тумани 63-сон ИЧБУИДТМ

Самарканд -2022

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ КИЙМАТИ

1.1 Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Номи	Миқдори
1	Мактаб кўргазмалари	1 комплект

1.2. Танлов қиймати 23 000 000 (Йигирма уч миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги тақифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулт бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Оқдарё тумани 63-сон ИЧБУИДТМ (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Оқдарё тумани Лойиш ш.Байналминал 16 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танолов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектда ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (етендер.узех.уз) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “БУЮРТМАЧИ” ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- фақат битта таклиф бериш мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларини ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборат камида ўн кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюрномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб

юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Директор ўринбосари

